

ҚОРИЕВ Одилжон Аҳмаджонович
ЎЗР ФА Шарқшунослик институти катта
илмий ходими,
тарих фанлари номзоди, доцент

ШАРҚ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИНИ САҚЛАШ МАСАЛАСИ

ON THE ISSUE OF PRESERVATION OF ORIENTAL MANUSCRIPT SOURCES

К ВОПРОСУ СОХРАНЕНИЯ ВОСТОЧНЫХ РУКОПИСНЫХ ИСТОЧНИКОВ

Аннотация. Мақола қадимий шарқ қўлёмаларининг сақланишини таъминлашга бағ'ишланган. Дарҳақиқат, шарқ қўлёмаларини сақлаш муаммоси мутахассислар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Янги техник ва технологик имкониятлар қўлёмаларнинг узоқ муддат сақланишини таъминлайди. Бироқ, ушбу мақолада миллий бойлик хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа усулларини таклиф қилинади. Қўлёмза манбаларини эҳтиёткорлик билан сақлашнинг энг самарали усулларидан бири уларни нашр этишидир.

Калим сўзлар: Ўрта асрлар, қўлёмалар, манбалар, фикх, реставрация, сақлаш, қўлёмза фонди, замонавий нашрлар, шарқ тиллари, мутахассислар

Annotation. The article is devoted to ensuring the safety of ancient oriental manuscripts. Indeed, the problem of storing oriental manuscripts is one of the main tasks facing specialists. New technical and technological capabilities will ensure the long-term preservation of manuscripts. However, this article suggests other ways to ensure the safety of national wealth. One of the most effective ways to carefully store manuscript sources is to publish them.

Keywords: Middle Ages, manuscripts, sources, fiqh, restoration, storage, manuscript fund, modern editions, oriental languages, specialists

Аннотация. Статья посвящена обеспечению сохранности древних восточных рукописей. Действительно, проблема хранения восточных рукописей является одной из основных задач, стоящих перед специалистами. Новые технические

и технологические возможности обеспечат долговременную сохранность рукописей. Однако в данной статье предлагаются и другие способы обеспечения сохранности национального богатства. Одним из наиболее эффективных способов бережного хранения рукописных источников является их публикация.

Ключевые слова: Средневековье, рукописи, источники, фикх, реставрация, хранения, фонд рукописи, современные издания, восточные языки, специалисты.

КИРИШ

Мамлакатимиздаги энг катта моддий ва маънавий бойликларимиздан бири аждодларимиздан қолган илм фаннинг турли соҳаларига оид қўлёмлардир. Асрлар давомида яратилган бу бойликнинг ҳажми бўйича Ўзбекистон Республикаси дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Бу борада ЎЗР ФА тизимида қўлёмза манбаларни йиғиш, асраш ва илмий муомалага киритишга ихтисослашган илмий муассасалар Шарқшунослик институти, Қўлёмалар институти алоҳида ўрин тутган. Зеро мазкур илмий даргоҳларда мамлакатимиздаги мавжуд қўлёмза манбаларнинг аксарият қисми сақланган. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон миллий университети, Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети каби олийгоҳларда, вилоятлардаги етакчи олийгоҳлар кутубхоналарида, тарихий музейлар қошидаги хазиналарда ҳам шарқ қўлёмлари сақланиб келади. Мутахассисларнинг фикрича бугунги кунда мамлакатимизда жами 45минг жилдга яқин шарқ тилларидаги қўлёмалар рўйхатга олинган муассасаларда сақланади. Бу сонга шахсий коллекцияларда сақланадиган қўлёмалар киритилмаган. Чунки мамлакатимиз фукарolari қўлларида сақланаётган қўлёмаларнинг сони ҳақида статистик маълумотлар йўқ. Айрим норасмий маълумотларга қараганда мамлакатимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилувчи фукарolarимиз орасида 2-5 минг қўлёмза нусхаларни жамлаган коллекциялар бор. Бироқ бундай жамғарамалар соҳибларининг аниқ сони ҳам маълум эмас. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз ҳудудида сақланаётган қўлёмаларнинг умумий сони 50-55 минг жилд атрофида деб тахмин қилишга асос бор.

АСОСИЙ ҚИСМ

ЎзР ФА Шарқшунослик институти мутахассислари томонида 2020 йилда Республика бўйича мавжуд қўлёмаларнинг адади ва уларнинг ҳолати бўйича мониторинг ўтказилди. Мониторинг натижасида аниқланган маълумотлар бўйича мамлакатимиз ҳудудида жами юқоридаги фаразимишга яқин келмоқда. Мониторинг натижалари асосидаги маълумотларга қараганда мамлакатимиз ҳудудида сақланаётган қўлёмаларнинг сони 42872 жилдни ташкил қилмоқда [11]. Мазкур мониторинг натижалари бўйича тайёрланган ҳужжатда манбаларни ҳолати, улар сақланаётган шароитлар, қўлёмма манбаларни авайлаб асраш, зарур ҳолатларда реставрация қили бўйича илмий асосланган ҳулоса таклиф ва тавсиялар тайёрланиб тегишли ташкилотларга такдим қилинган.

Мазкур маърузада келтирилган қўлёмаларнинг умумий сонига мамлакатимизда кейинги йилларда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Ислон цивилизацияси маркази томонидан аҳолидан сотиб олинаятган қўлёмалар сони ҳамда аҳоли орасида хусусий жамғармаларда сақланаётган қўлёмалар сони қиритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хусусий колекциялар сақланаётган қўлёмалар ҳақидаги айрим маълумотлар проф. А. Мўминовнинг “Государственные и частные собрания арабографичных рукописей в Узбекистане” номли мақоласида келтирилган [8. 9-37]. Тўғри мазкур мақола эълон қилинганига анча вақт бўлди. Шу боисдан унда келтирилган маълумотлар ҳам бугунги кунга келиб эскириб қолган.

Бизнинг шахсий кузатишларимиз ва аҳолидан олинган оғзаки маълумотлар хусусий колекцияларда сақланаётган қўлёмаларнинг сони мақолада келтирилган рақамлардан анча кўп эканлигидан дарак беради. Аммо хусусий колекциялар эгалари ўз қўл остидаги қўлёмалар ҳақида маълумот беришга рағбат билдирмайдилар. Кўпинча қўлёмма эгалари бу нарсани давлат органлари томонидан уларнинг хусусий мулки бўлган бу қўлёмаларни мажбуран олиб қўйилишидан хавотир билан изоҳлайдилар.

Бизнинг ушбу мақолада кўзлаган

мақсадимиз асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган бу улкан бойликни авайлаб асраш, келажак авлодга муносиб ҳолда етказиш билан бир қаторда, бу бебаҳо бойликдан замондошларимизни бевосита бугун баҳраманд қилиш йўллари ҳақидаги мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашиш.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шарқ қўлёмма манбаларига бўлган муносабати давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур масалада қабул қилинган қарор ва фармонлар қадимий меросимизнинг бугуни кунни ва келажagini муносиб таъминлаш ва улардан имкон даражасида тўлақонли фойдаланишга йўналтирилган.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида ҳам, мамлакатимиздаги қўлёмма хазиналарида ҳам қўлёмма манбаларни авайлаб асрашга катта эътибор қаратилмоқда. Уларни келажак авлодга бешикаст етказиш, узок муддат яхши ҳолатда сақлаш бўйича кўплаб замонавий услублар, жиҳозлар ва имкониятлар яратилмоқда. Энг илғор технологиялар асосида бунёд этилиб фойдаланишга топширлаётган бино ва иншоотлар, қўлёмларни сақлаш учун фойдаланилаётган жиҳозлар барчаси қўлёмаларни замон талаби асосида асрашга мўлжалланган.

Қўлёмма манбаларни сканер жиҳози ёрдамида электрон нусхаларини тайёрлаш қўлёмалар умрини узайтиришнинг янги услубларидан биридир. Натижада энди асарнинг бевосита қўлёмма нусхаси билан эмас унинг электрон нусхаси билан ишлаш имконияти яратилмоқда. Бу ўз навбатида қўлёмларни тадқиқотчининг қўлига беришга ҳожат қолдирмаяпти.

Бизнинг назаримизда қўлёмма манбаларни авайлаб асрашнинг яна бир самарали йўли бор. У ҳам бўлса уларни нашр қилиш ишларини жадаллаштириш.

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан қўлёмма манбаларни нашр қилиш ва халқимизга етказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида ЎзР ФА шарқшунослик институтида яхши бир анъана шаклланди. Бу ҳам бўлса шарқ тилларидаги қўлёмма манбаларни нашрга тайёрлашда асарнинг илмий –изоҳли таржимаси билан бир қаторда унинг асл тилдаги матнини ҳам биргаликда нашр қилиш анъанасидир.

ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 2015 йилдан бошлаб шу кунгача Мовароуннахрдан етишиб чиққан ислом илмларининг турли йўналишлари намояндалари қаламига мансуб бўлган ўттизга яқин қўлёзма манбаларнинг илмий изоҳли таржималари асл матнлари билан нашр қилинди.

Бу дегани ўрта асрларда яшаб ижод этган турли муаллифлар асарларининг асл тилдаги матнлари нашр қилинди. Мазкур нашрлар воситасида бир нечта мақсадга эришилди. Биринчидан ўрта асрларга оид манбалар билан ишлаш зарурати бор, лекин шарқ тилларидан беҳабар бўлган мутахассислар учун бу манбалардан фойдаланиш имконияти яратилди. Иккинчидан шарқ тилларидан хабардор бўлса ҳам, қўлёзмалар билан ишлаш малакаси бўлмаган мутахассисларга асарнинг асл тилидаги замонавий нашрлари тайёрланди. Энди бу мутахассислар манбанинг асл матни билан ишлай олиш имкониятига эга бўлдилар. Демакки бевосита қўлёзмалар билан ишлашга зарурат қолмади. Бу эса ўз навбатида қўлёзмаларни авайлаб асрашга қўшимча шароит яратди. Масаланинг учинчи, яна бир муҳим томони бор. Гап шундаки аждоқларимиз илмий меросига оид асарларни нашрга тайёрлаш жараёнида қатор алломаларимиз қаламига мансуб бўлган асарлар қўлёзмалари мамлакатимиз қўлёзмалар хазиналарида мавжуд бўлмаган ҳолатларга дуч келдик. Натижада бу асарлар қўлёзмаларини хорижий мамлакатлар фондларидан келтиришга ёки уларнинг турли мамлакатларда амалга оширилган нашрларига имкон бўлган пайтда танқидий ёндошиб замонавий нашрларини тайёрлаб нашр қилиш йўлидан бордик. Бу билан мамлакатимиз фондларида мавжуд бўлмаган асарлар матнларини мутахассислар эътиборига тақдим қилишга муяссар бўлдик.

Шарқ қўлёзма манбаларини мутахассислар қўлига етказишнинг камида тўртта йўли бор. Биринчиси қўлёзма матнини факсимил нашрини амалга ошириш. Амалиётда бу нашр услубига қўпинча асарнинг қўлёзмаси ягона нусхада бўлган ҳолатда мурожаат қилинади [9].

Иккинчиси қўлёзма манба матни факсимил нусхасини асарнинг ўзбек тилига илмий-изоҳли таржимаси билан нашр қилиш. Бунда нашр муқаддимаси ва илмий мақоласи ўзбек тилида тайёрланади [10].

Учинчиси қўлёзма манбани шарқ тилидан ўзбек тилига илмий изоҳли таржимасини асарнинг асл матни билан биргаликда нашр қилиш [4]. Қўлёзма манба нашрини сатрма – сатр таржима услубида ҳам амалга оширилиши мумкин [6]. Бизнинг назаримизда бу услубдаги таржима сатрлар аро бўлгани учун асарнинг асл матнидан алоҳида фойдаланиш учун бироз ноқулайлик туғдиради.

Тўртинчиси қўлёзма манбанинг қиёсий танқидий матнини яратиш йўли билан нашр қилиш. Бу услуб анча мураккаб услуб ҳисобланади. Чунки бу услубга қўлёзма манбанинг мукаммал ишончли матни мавжуд бўлмаган ҳолда мурожаат қилинади. Сабаби бу ҳолда мутахассисларга муайян асарнинг нуқсонли, айрим ҳолларда матн редакциясига жиддий талофат етган нусхалари устида ишлашга ва имкон даражасида асарнинг тўғри матнини тиклашга тўғри келади [7]. Бундай нашрни амалга оширганда албатта қўлёзма манбанинг икки ва ундан ортиқ нусхалари билан ишланади. Шунга қарамай бизнинг назаримизда қиёсий танқидий матн тайёрлашда таянч нусха этиб танлаб олинган нусха матнини илова қилган ҳолда нашр қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки шу йўл билан бир қўлёзма манбанинг асл матни нашр қилинишига эришилади.

Бешинчиси шарқ тилларидаги қўлёзма манбаларни асл тилидаги матнини нашр қилиш. Шарқ тилидаги қўлёзма манбаларнинг бу хилдаги нашри амалиёти мамлакатимизда эндигина шаклланиб бормоқда. Бу нашрларни амалга ошириш учун асар мавзусидан яхши хабардор бўлиш ва шарқ тилини яхши билиш талаб этилади [2]. Бундай матнларнинг факсимил нашрини амалга ошириш услуби намуналари ҳам бор [1].

Мазкур ҳаракатларнинг барчаси бизнинг назаримизда пировардида қўлёзма манбаларни авайлаб асрашга муҳим ҳисса қўшиши билан аҳамиятли.

Қўлёзма манбаларни асрашга хизмат қиладиган бу фаолиятнинг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Бу биринчи навбатда қўлёзма манбалар билан яхши ишлай оладиган мутахассислар сонини ошириш. Сўнгги йилларда бу йўналишда муайян ишлар бошлаб юборилди. Тегишли олий таълим муассаларида шарқ тилларини биладиган манбашунос матншунослар тайёрлайдиган

кафедралар очилди ва уларда мутахассислар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Демак, яқин келажакда бу машаққатли ва шарафли соҳага ўзини бағишлайдиган фидойилар етишиб чиқишига умид бор.

Ҳозирча эса бошқа бир муаммо бор. Бу шарқшунос манбашунос мутахассисларнинг машаққатли меҳнати туфайли нашрга тайёрланган манбаларнинг жуда кам нусхада чоп қилинаётганлиги масаласидир. Ўтган даврларда ЎзР ФА Шарқшунослик институтида нашрга тайёрланган араб, форс ва туркий тиллардаги манбаларнинг ҳар бири бор йўғи 100-150 нусхада чоп қилинди. Бунинг асосий сабаби мазкур нашрлар амалий грантлар доирасида амалга оширилгани боис грант маблағларидан кўпроқ нусхада чоп қилиш имконияти бўлмади. Натижада қўлёзма манбаларни нашрга тайёрлаб чоп этилган бўлса-да, бу нашрлар мутахассислар қўлига деярли етиб бормади. Ҳозирда ЎзР ФА Шарқшунослик институти фаолияти давлат бюджетидан молиялаштириш тизимига ўтгани эса вазиятни яхши томонга ўзгартирмади. Эндиликда бўлимлар доирасида тайёрланган нашрларни институт ҳисобидан чоп қилиш ҳақида гап йўқ.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур соҳадаги муаммоларни ижобий ҳал қилиниши нафақат бу йўналишдаги илмий фаолият самарасини ошириш, балки охир оқибат қўлёзма манбаларни авайлаб-асрашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Жаъфар ал-Уструшаний. Кифоят аш-Шаъбий / Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифлари З.Мунавваров, М.Атаев. – Тошкент: Fan ziyosi, 2021. – 576 б.
2. Абу Жаъфар ал-Уструшаний. Жомий аҳком ас-сиғор / Араб тилида нашрга тайёрловчи У.Алимов, М.Атаев. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013. – 696 б.
3. Абу Жаъфар ал-Уструшаний. Ал-Аъсила вал-ажвиба / Нашрга тайёрловчи М.Атаев. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2017. – 376 б.
4. Бурҳонуддин ал-Марғиноний. Мухторот ан-Навозил. – Ж. I. / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: О.Қориев, Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Б.Абдуллаев, Ў.Палванов. – Тошкент: ЎзРФА “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2019. – 608 б.
5. Бурҳонуддин ал-Марғиноний. Ат-Тажнис вал-Мазид. I-жилд. Араб тилидан ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима. Таржима муаллифлари: О.Қориев, Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Б.Тожибоев. – Тошкент: “Очун” нашриёти, 2021. – 615 б.
6. Бурҳонуддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. Шарҳ бидоятил мубтади. – Ж. I. / Ўзбекча изоҳли-академик таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифлари: А.Қамбаров, А.Икромжонов, И.Бекмирзаев. – Тошкент: “Nilol nashr” нашриёти, 2020. – 704 б.
7. Бурҳонуддин ал-Марғиноний. Ал-Мажмуъ ал-Усманий / Таржимон ва қиёсий-танқидий матнни нашрга тайёрловчилар: О.Қориев, Ҳ.Аминов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. – 230.
8. Муминов А.К. Государственные и частные собрания арабографических рукописей в Узбекистане / “Ўзбекистондаги қўлёзма фондлари. Муҳофаза қилиш, каталоглаштириш ва мутахассисларни малакасини ошириш” мавзусидаги 2019 йилда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро анжуман мақолалари тўплами. – Истанбул, 2020. – Б. 9-37.
9. Нажм ад-дин Абу Ҳафс Умар б.Муҳаммад б. Аҳмад ан-Насафий. Матлаъ ан-нужум ма мажмаъ ал-улум / Нашрга тайёрлаш, кириш ва кўрсаткичлар С. Муҳамадаминовники. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 896 б.
10. Хожа Самандар Термизий. Дастур ал-мулук. Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2017. – 428 б.
11. Ғуломов. С. Араб алифбосида битилган қўлёзма асарлар ва тарихий ҳужжатлар сақланишини мониторинг мақсадида 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича амалга оширилган экспедициялар натижалари: янги рақамлар ва баъзи муаммолар // 2021 йил 16-19 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Австрия фанлар академияси Эроншунослик институти, Британия Форсийшунослик институти ҳамда Голландиянинг Лейден университетлари билан ҳамкорликда “Марказий Осиё Шарқ қўлёзма маданияти: қўлёзмалар маданий мерос ва тарихий манба” номи остида ўтказилган халқаро илмий анжуманда қилинган маъруза тезиси. – Т., 2021.